

The evolution of trade union activities during the years of independence

Bakhromjon AKHMADJONOV¹

Andijan State Technical Institute

ARTICLE INFO

Article history:

Received February 2025
Received in revised form
15 February 2025
Accepted 15 March 2025
Available online
25 April 2025

Keywords:

Independence,
Evolution,
Trade Unions,
Social Democratic,
Revolution,
Congress,
Constitution,
USSR,
All-Union Central Council of
Trade Unions,
Federation.

ABSTRACT

This article examines the process of trade union formation in Uzbekistan based on an analysis of historical sources. It explores the stages of their establishment and development, as well as the specific challenges faced by trade union organizations during various periods of their activities.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss2-pp81-85>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Мустақиллик йилларида касаба уюшмалар фаолияти тарихи эволюцияси

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

мустақиллик,
эволюция,
касаба уюшмалари,
социал,
демократик,
инқилоб,
съезд,
Устав,
СССР,
ВЦСПС,
федерация.

Ушбу мақолада Ўзбекистонда касаба уюшмалари ташкил топиши ва ривожланиши, ўзига хос муаммолари тарихий манбалар асосида таҳлил қилиб берилган.

¹ PhD, Associate Professor, Department of Languages and Humanities, Andijan State Technical Institute.

Историческая эволюция деятельности профсоюзов в годы независимости

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

независимость,
эволюция,
профсоюзы,
социал-демократический,
революция,
съезд,
Устав,
СССР,
ВЦСПС,
федерация.

В статье рассматривается процесс формирования профсоюзов в Узбекистане на основе анализа исторических источников. Изучаются этапы их становления и развития, а также конкретные проблемы, с которыми сталкивались профсоюзные организации на различных этапах своей деятельности.

Жаҳонда касаба уюшмалари вужудга келиши тарихини ўрганиш жараёнида, аввало ишчи-хизматчиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида турли йиғин, тўғарак, ширкат уюшма шаклида бирлашганликлари тарихдан маълум. Барчамизга маълумки, қадимдан ишчилар билан сиёсат ва иқтисодий ҳокимиятга эга бўлган раҳбарлар ўртасидаги низолар мавжуд бўлиб келган.

Касаба уюшмалари ҳаракатининг ривожланиши турли мамлакатларда турлича бўлган. Буюк Британия ва АҚШ касаба уюшмаларида анча аввал юзага келган. Энди асосий эътиборни Туркистон ўлкасига қаратадиган бўлсак, бошқа ўлкаларда бўлгани каби, дастлаб турли тўғарак йиғилишлар, уюшмаларга бирлаша бошлаганлигини таҳлил қилиш мумкин. Илмий изланишлар шуни кўрсатадики, 1905-1907 йилларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, касаба уюшмалари пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Туркистон ўлкасида биринчи норасмий социал-демократлар тўғараклари 1903 йилда Тошкентда, 1904 йилда Самарқандда пайдо бўлган. Тошкентда ташкил этилган “Социал-демократлар уюшган гуруҳи” 1905–1907 йилларда содир бўлган ишчилар норозиликларида фаол иштирок этган. Умуман олганда 1905 йил Тошкентда 15 тўғарак мавжуд бўлганлиги маълум.

1905 йилнинг бошларида 8 минг ишчи ва хизматчиларни ўз сафларида бирлаштирган Бутунроссия темир йўл уюшмасини Туркистон бўлими ташкил этилган. Биргина Тошкент касаба уюшмаси сафида 20 та, машинист, ва 547 та темир йўл-ишчилари фаолият юритган. Кейинчалик касаба уюшмалари ўлканинг бошқа туманларида, чунончи Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва бошқа ҳудудларда ташкил топа бошлаган.

1917 йил феврал инқилоби арафасида Туркистонда ишчиларнинг 0,2 фоизини бирлаштирувчи жами 23 та касаба уюшмалари ташкилоти мавжуд бўлган [4, 9].

Илмий изланишлар шуни кўрсатадики касаба уюшмалари фаолияти тўғрисидаги мунозаралар Туркистон касаба уюшмаларининг I съездида 1918 йил 22 июн-июл кенг ва атрофлича муқокама қилинганлиги маълум.

Фукарлар уриши шароитида мамлакатда, жумладан Туркистонда касаб уюшмалари фаолияти ҳарбийлаштирилган ва уларни ҳарбий усул асосида иш юритиш мажбурий йўлга қўйилган. Шуниси ачинарлики уларнинг кундалик фаолиятида тарбиявий ва тушунтириш усули эмас, аксинча буйруқбозлик механизми кучайтирилганлигини таҳлил қилиш эътиборга лойиқ. Шуниси характерлики, фукарлар уриши тугаши, янги иқтисодий сиёсатга ўтиши касаб уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ҳақидаги масала яна ҳам жиддийлигича қолаверди.

1924 йил Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон, Туркменистон ва бошқа республикалар ташкил этилди. Бу ҳолат 1925 йилда, касаб уюшмаларини янгитдан ташкил этилишига сабаб бўлди ва Тошкент шаҳрида касаб уюшмаларининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда 90 минг кишидан иборат уюшма аъзоларидан, маҳаллий 36,5 минг кишидан вакиллар қатнашдилар, Қурултойда касаб уюшмаларининг фаолиятида ҳўжалик ташкилотчилик ишларининг кучайиши ўзига хос йўналишлардан бири бўлиши кераклиги таъкидланди ва йўл-йўриқлар кўрсатилди [4, 12].

Ўзбекистон касаб уюшмалари ташкилотлари 50-йиллардан бошлаб жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шарт-шароитларидан келиб чиқиб ўз фаолиятининг асосий йўналишини меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, корхоналарда мусобақаларни ташкил этишга, меҳнат шароитларини яхшилашга қаратила бошланди.

Ўзбекистон касаб уюшмаларининг VI съездида касаб уюшмалари ташкилотларининг иқтисодий қурилишидаги вазифаларини аниқлаб берди.

1970–1990 йилларда Ўзбекистон касаб уюшмалари ташкилотлар сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамланди. 1980 йилларда ўз сафига 5 млн 23 минг кишини бирлаштирди. Корхоналарда, жамоа, давлат ҳўжаликларида, ўқув муассасаларда 31 минг касаб уюшмалари фаолият кўрсата бошлади [1]. Мустақиллик йилларида республика касаб уюшмалари ташкилотлари олдида мутлақо янги йўналишдаги вазифалар кўндаланг бўлиб қолди. Бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида бу оммавий ташкилотларнинг вазифаси ҳам ўзгариб бориш қонуний эканлиги барчага маълум.

Иқтисодий ислохатлар соҳасида олиб борилаётган ўзгаришлар, хусусийлаштирилган, турли мулкчилик шакллариининг пайдо бўлиши, меҳнат шартномаларининг жорий қилиниши, аҳолининг ижтимоий кафолатланиши каби ўзгаришлар албатта касаб уюшмалари ташкилоти фаолиятини қайта кўришни тақозо эта бошлади.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А. Каримов 1990 йил 5 июнда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида сўзлаган маърузасида қуйдаги фикрларни таъкидлаб ўтган эди. Партиянинг касаб уюшмаларига буйруқ беришдан иборат бўлган ва неча йиллар давомида шаклланган одати оқибатида бу уюшмаларнинг ҳаракат доираси торайиб қолган, уларнинг фаолияти қаттиқ чекланган эди, натижада касаб уюшмалари ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан тўла тўкис фойдалана олмади, ҳаёт жараёнларидан анча орқада қолиб кетди... [2, 7].

1990 йилларда Республика касаб уюшмалари томонидан Ўзбекистон касаб уюшмалари федерациясини ташкил этиш ҳақидаги Декларация қабул қилиниб, уни ташкилий жиҳатдан расмийлаштириш ишлари 1991 йилда Федерация Уставини

қабул қилиш билан яқунланди. 1992 йил 3 декабрда янги шароитда касаба уюшмалари ўз фаолиятини белгилаш ва ҳаракат дастури ишлаб чиқиш борасида концепция қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжат касаба уюшмаларининг синфийликдан умуминсоний тамойилларга асосланганлиги билан ажралиб туради [1, 6].

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, республикадаги янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда, нодавлат, нотижорат ташкилотларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Хусусан, мустақиллик йилларида қабул қилинган илк қонунлардан бири “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун бўлиб, меҳнаткашларнинг оммавий-ижтимоий ташкилоти ҳисобланган касаба уюшмалари юртимиз тарихида биринчи марта унинг мустақил мақоми аниқлаб берилди. Республика касаба уюшмалари ижтимоий-иқтисодий масалалар билан бир қаторда қонунларнинг ишлаб чиқилишига ўзларининг тегишли хулосаларини, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг сақланиш устидан назорат қилиш ҳуқуқлари алоҳида кўрсатиб ўтилган [1].

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаётида амалга оширилиши зурур бўлган туб ўзгаришларнинг моҳиятини биринчи Президент И.А. Каримов 1990 йилни сентябрида бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIV съездида сўзлаган нутқида аниқ ва равшан кўрсатиб берган. “Саволни қуйидагича қилиб қўйиш керак Касаба уюшмалари ташкилотлари ва ходимлари ҳақиқий озод, бошқа барча ишлардан мустақил бўлишлари ва уларда битта-меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш вазифаси бўлиши керак” [2].

1992 йилда собиқ СССР ҳудудида амалга оширмоқчи бўлган қайта қуриш ва демократия шароитида собиқ Иттифоқ касаба уюшмаларининг бош штаби-ВЦСПС ўрнига унинг вориси сифатида касаба уюшмалари ВКП (Всеобщий конфедерация прафсаюзов) тузилган. Ушбу ташкилотга ҳамдўстлик мамлакатларидан 10 та миллий касаба уюшмалари маркази, 39 та халқаро тармоқ бирлашмалари федерацияси ҳам конфедерация таркибига қўшилган [3].

Касаба уюшмалари ялпи конфедерацияси жаҳон халқлари манфаатлари йўлида касаба уюшмалари аъзо ташкилотларининг фаолияти ва ўзаро муносабатларини мувофиқлаштирувчи, ахборот алмашинув, илмий текширув, ўқув, маслаҳат берувчи ташкилот сифатида тузилган эди.

1997 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Касаба Уюшмалари Федерациясининг IV мажлис йиғилишида касаба уюшмалари ялпи конфедерациясининг олиб борган фаолияти атрофлича кўриб чиқилди. Ушбу ташкилот бевосита шуғилланиши зарур бўлган вазифаларни четда қолдирган ҳолда, кўпчилик ҳолларда мустақил давлатларнинг ички ишларига ва олиб бораётган сиёсий масалаларига араллашиб қолаётганлиги, бу йўл билан улар “яширин империячилик” кайфиятини юритиб, собиқ тузимни қайтадан тиклаш ғояларини тарқатишда оммавий ахборот воситаларининг турли шаклларида фойдаланиб келаётганлиги асослаб берилди. Шунинг учун Мустақил Ўзбекистоннинг касаба уюшмалари, касаба уюшмалари ялпи Конфедерациясининг бу тарзда иш олиб боришини ўзлари учун номақбул деб ҳисоблаган ва унинг бу борадаги салбий ҳаракатларига қўшилмасликни баён қилган, ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши аъзолари бир овоздан “касаба уюшмалари ялпи конфедерацияси” таркибидан чиққанлигини эълон қилган [4].

Бугунги кунда юртимизда касаба уюшмалари тизимида 33 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлар самарали фаолият кўрсатмоқда ҳамда 6500 дан зиёд ходим ва 300 мингга яқин фаоллар фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Айтилган пайтда, касаба уюшмалари ўз сафида 5,5 миллион нафардан зиёд аъзоларни бирлаштириб, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ушбу устивор вазифани самарали таъминлаш мақсадида сўнги 5 йилда касаба уюшмалари тизимида кенг қўллади чора-тадбирлар амалга оширилди, меҳнат жамоаларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ишлари янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари давлат ва жамият ҳаётининг барча жавҳарларида амалга ошириладиган улкан ислохотлар ва ўзгаришларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Энг муҳим жиҳати шундан иборатки, касаба уюшмалари давлат идораларининг йирик ижтимоий ҳамкорига айланди. Масалан, 2019 йили Вазирлар Маҳкамаси қарори билан илк бор ижтимоий меҳнат масалалари бўйича Республика ва ҳудудий уч томонлама комиссиялар тузилди. Ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2020–2022 йиллар учун Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва иш берувчилар конфедерацияси ўртасида Бош келишув имзоланди. Шуниси эътиборлики тарихда илк бор ушбу келишувни ҳукумат номидан бош вазир имзолади [5].

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики касаба уюшмалари ташкилотининг ижтимоий сиёсий жараёнлардаги иштироки ва нуфузини ортиб боришига бевосита юртбошимизнинг олиб бораётган сиёсати ва ташаббуслари билан боғлиқдир. Ш.М. Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, салкам 120 йиллик тарихга эга Ўзбекистон касаба уюшмалар фаолияти давомида юксалиш ва пасайиш даврлари ҳам юз берган, лекин бу ташкилот ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Айтилган сўнги йилларда касаба уюшмалари ҳаётида янги ривожланиш босқичи бошланди, десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016 йил.
2. Ўзбекистон Республика Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари ва фаоллари табриги. 2020 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Ахборотномаси 1992 йил, 9-сон.
4. Ўз МА, М-106 фонд, 1-рўйхат, 123,124,129,149-йиғма жилдлар.
5. Ишонч 2020 йил 10 ноябрь 129-1134 (4418).